



# ISHOLES

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 ноябр, жума №166 (998)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



АСРГА 44 КУН ҚОЛДИ

Бу бахт ва эрк, қахрамон ёшлар!  
Кўнгилларга солмиш офтобни.  
Зафарларга сизларни бошлар,  
Ҳар кун очинг янги бир бобни!

ОЙБЕК.

## ҲИДОЯТ ЙЎЛИНИНГ САРБОНИ

16 ноябр. Фаргона водийсининг марвариди саналмиш Марғилон шахри аҳли ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхулислом Бурхониддин ал-Марғинонийнинг хижрий сана бўйича 910 йиллик таваллуд тўйига ташриф буюрган меҳмонларни илик кўтиб олди.

Тантанана дунёнинг ўттиздан ортик давлатидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан уламолар, олимлар, республикамизда фаолият кўрсатаётган кўллаб давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, давлат ва ҳукумат арбоблари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ташриф буюрди.

Меҳмонлар Риштонда Бурхониддин ал-Марғиноний ҳазратларининг рамзий ҳоки кўйилган «Сохиби «Хидоя» зиёратгоҳига йўл олади. Бу ерда бундан бир неча аср бурун буюк аллома шарафига тикланган, кейинчалик нураб, фэйзсиз ҳолга келиб қолган мақбара ўрнида фикҳи илми сардорининг таваллуд тўйи арафасида улугвор кошона кад ростлади.

Юртбошимиз 1999 йил 18 декабрда Фарғона вилояти сайловчиларининг вакиллари билан учрашувда Бурхониддин ал-Марғинонийнинг таваллуд тўйини

кенг нишонлаш, хотирасини тиклаш зарурлиги ҳақида гапирган эди. Қисқа вақт ичида аллома туғилган диёр - Риштонда «Сохиби «Хидоя» қабристонини бутунлай қайта тавмирланди. Аллома хотирасига муносиб ёдгорлик тикланди. Бошқа кўллаб ободончилик ишлари амалга оширилди.

Тадбир иштирокчилари мақбарани зиёрат этдилар. Ислам дунёсида мукамал қонун мақомига эришган «Хидоя» асари муаллифининг рамзий қабри пойида Куръон тиловат қилинди. Қўлигул қурувчилар ва ҳунармандлар маҳоратидан сайқал толган мақбара меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Қадимий Марғилон шаҳрида буюк ватандошимизнинг илмий ва ижодий меросига бағишланган «Бурхониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тарихида тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Шу кунги мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов буюк аллома хотирасига ўз эҳтиромини бажо этиш ва юбилейга бағишланган тантанани қатнашиш учун Марғилон шаҳрига ташриф буюрди.

Истиқлол шарофати билан яна ўз Ватанига қайтган, муборак номи қайта тикланган ва юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган буюк аллома хотирасига шаҳар марказида бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими олдидан элга ош тортилди. Буюк фақиҳ хотирасига Куръон тиловат этилди. Аллома юбилейига ба-

ғишланган тантанали маросимни Фарғона вилоят ҳоқими А.Отабоев очди. Маросимда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз Бурхониддин ал-Марғинонийнинг авлодларга қолдирган улкан мероси, эришган шон-шухрати замирида, аввало, унинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олижаноб инсоний фазилатлари мужассам эканини таъкидлади. Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам «Хидоят йўлининг сарбони» дея катта эътибор топган. Мамлакатимиз Президенти маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этувчи бой илмий меросимизни, жумладан «Хидоя» каби ноёб асарларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тегишли ҳулосалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги тажрибалар билан бойитиш зарурлигига эътиборни қаратди. Улуғ аждодларимизга муносиб ворислар бўлиш, ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини алоҳида қайд этди.

Улуғ бобомизнинг муборак таваллуд тўйи муносибати билан бетакрор ёдгорлик мажмуи бунёд этишга ҳисса қўшган



кули гул қурувчилар, мохир усталар, меъмор муҳандислар, бунёдкор халқимиз меҳнатига юксак баҳо берди.

Маросимда сўзга чиққан Марғилон шаҳрининг бош имом-хатиби Собир қори Эминов, Фарғона давлат университетининг талабаси Хушнуд Хайдаров истибод йилларида чиққан Марғилон улуғ аждодларимиз хотирасининг муносиб вақтида халқимиз маънавиятини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Бундай хайрли ишлар нафақат бугунги кунга, балки Ватанимиз ва халқимизнинг буюк келажагига ҳам хизмат қиларди.

Муслмон НАМОЗОВ,  
Расулжон КАМОЛОВ,  
ЎЗА мухбирлари.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУРХОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар!

Узоқ-яқиндан келган муҳтарам меҳмонлар!

Авваломбор, сиз, азизлар билан қадимий ва гўзал Марғилон заминиде, муборак рамзон арафасида кўриш турганимдан гоё бахтиёр эканимни изҳор этмоқчиман.

Қадри дўстлар!

Утган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш халқимизга хос эзгу фазилат, хайрли ва савоб ишдир.

Бугун биз кўп-кўп мумтоз зотларнинг она шаҳри бўлган, не-не авлиё, алломоу фозиллар қадами теккан кўхна Марғилонда башарият маънавий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк фақиҳ Бурхониддин Марғиноний ҳазратларининг табаруқ хотирасини ёд этиб, ул зоти шарифга бўлган фарзандлик ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириш учун тўпландик.

Ислам ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхулислом Бурхониддин Марғинонийнинг номи Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Махмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрори валий сингари улуг сиймолар қаторида туради.

Нафақат муслмон олами, балки бутун дунё эътироф этган,

Оллох таоло берган ақл-заковати билан ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган, бебаҳо мероси билан мана шу Фарғона диёрини жаҳонга таранун этган ул зотнинг тарихимиздаги ўрни ва обрўси беқиёсдир.

Ўз ҳаётини дину диёнат поклиги, иймон-эътиқод устуворлиги, илм ва адолат тантанаси йўлида сафарбар этган бу мўътабар алломаннинг Шарқ оламида «Бурхониддин вал милла», яъни «Дин ва миллатнинг хужжати» деган юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам бунга яққол исботлади.

Қадри биродарлар! Хаммамизга маълумки, ер юзиде муслмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олим уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар.

Лекин бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан, исломий ҳуқуқ асосларини белгилаб бергани ва шу йилнинг ҳар томонлама ривож топишига қўшган ҳиссаси билан шу заминдан етишиб чиққан бизнинг буюк ватандошимиз Марғиноний ҳазратларига тенг келади-ган бошқа аллома камдан-кам топилади, десак, асло муболага бўлмайди.

Бурхониддин Марғиноний яшаган замон - Шарқ Ўйғониб даврининг биринчи босқичи бўлиши X-XII асрларда

Мовароуннаҳр заминиде илму фан гурираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди.

Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-муслмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотик, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтай назаридан ҳал этиб берган.

Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам «Хидоят йўлининг сарбони» дея катта хурмат-эътибор топган.

Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, «Хидоя» - «Тўғри йўл» деб аталган китоби, мана, саккиз асрдики, муслмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Айниқса, бу мумтоз асарнинг европа тиллари ҳам таржима қилинган, бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани, унга турли тилларда кўплаб шарҳ ва изоҳлар битилгани Марғиноний меросининг умумбашарий аҳамиятидан далолат беради.

Агар биз алломанинг замондошларидан бири айтган «Эй ақл эгаси,



«Хидоя»ни ўқиб, мағзини чаққин, чунки у сени хидоят йўлига бошлаб, энг олий мақсадларга етказгай», деган сўзларни эсласак, ўйлайманки, у зоти шарифнинг авлодлар олдидеги тарихий хизматларини яна бир бор яққол тасаввур қилган бўламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз меҳмонлар! Бурхониддин Марғинонийнинг бизга қолдирган улкан мероси эришган шон-шухрати замирида аввало унинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олижаноб инсоний фазилатлари мужассам. Бу заҳматқаш аллома ҳаётининг мазмуни бўлиши эллиқ этти ки-тобдан иборат «Хидоя»-дек улкан асарни бунёд этгани, ўз асарларида бирор марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмагани, балки «Бу заиф банд айтади», дея камтарона изох бериши ҳар қандай одамни бугун ҳам

хайратга солади.

Ва унинг улуг эътиқоди, илму урфон йўлидаги фидойлиги, камтарлик ва хокисорлик фазилатлари бу зотга нисбатан барчамизда буюк ҳурмат ва эҳтиром уйғотади.

Хурматли юртдошларим!

Кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мушкул синовлардан ўтиши, ҳаётининг турли тўфон ва бўронларига мардона бардос бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч - юксак маънавият ва адолатга интилиш туйғуси бўлган.

Бамисоли қушнинг парвози учун қўш қанот қанчалик зарур бўлса, инсониятнинг ҳаёти ва тараққиёти учун мана шу икки буюк тамойил ҳаммиса таянч ва суянч бўлиб келади.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлини, илмий меросини ўрганган эканмиз, ана шу ҳақиқат улар фаолиятининг бош мезони бўлиб келганга ишонч ҳосил қиламиз.

Шубҳа йўқки, «Куч - адолатдадир» деган гоёлиқ ҳаётининг мазмуни деб билган Амир Темур бобомиздек улуг аждодларимизнинг камол топишида ҳам «Хидоя» сингари қомурий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган.

Шу маънода, бизнинг адолатли жамият барпо этиш йўлида амалга

ошираётган ишларимиз чуқур тарихий илди-ларга эга, десак, янглишмаган бўламиз.

Бурхониддин Марғиноний асарларининг моҳияти бўлиши адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, мөхр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аллома бобомизнинг бой илмий меросига ана шу нуқтай назардан қарайдиган бўлсак, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тегишли ҳулосалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талабларидан келиб чиқадиган тажрибалар билан бойитиш зарур. Ва бу улуг меросни аввало ўзимиз учун, келажақ авлодлар тарбияси учун беқиёс маънавий озиқ деб билмоғимиз даркор.

Энг муҳими, қандай ўлмас мерос эгалари эканимизни ҳеч қачон унутмаслик, ана шу бойлиқни кўз қорачигидай асраб-авайлаш, бир сўз билан айтганда, улуг аждодларимизга муносиб ворислар бўлиш - шу саховатли ва гўзал заминда яшар ҳар қайси инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабр куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 ноябр

Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаати.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджет тўғрисида.
3. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
6. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
7. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
8. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. «Илмий-техника ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
11. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
13. Бир қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

## АЁЛЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноти ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўшимча тармоқда ишловчи аёлларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Айнан шу мақсадда болалари уч ўғаш тўлмага 150 нафардан ортик аёл-

нинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди, болалари 2 ёшдан 3 ёшга бўлган беш юз нафарга яқин аёлларга моддий мадад кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган, ногирон ва кўп болали оналарга 9 ойда қарийб 4,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

## ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА

Андихон Давлат университет профессор-ўқитувчилари кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ишлаб, таълим-тарбия жараёнини тўбора такомиллаштириб боришига эришмоқдалар. Касба уюшма аэзолари ташаббуси билан университет ўқитувчилари МДХ давлатлари олийоҳлариде ҳамда республикамиз олий ўқув юртларида ташкил этилган анжуманларда ўқув услубий ишлар соҳасидаги янги тажрибалар юзасидан илмий маърузаларни билан чиқишмоқда.

А.Нурмонов, С.Зайнобиддинов, Р.Шамсуддинов, Л.Саидбоева, И.Алимов, Х.Солихова сингари профессорларнинг ёзган

М.АБДУКАРИМОВ.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Боши 1-бетда).** Мухтарам жамоат, азиз ватандошларим! Инсоният тарихида ёрқин из қолдирган буюк шахслар аввало Оллоҳ таоло азиз тутган муборак заминда дунёга келади. Бу кўхна ҳақиқат ҳаётда кўп бор ўз исботини топган. Буюк бобомиз Бурҳониддин Марғинонийнинг киндик қони томган кўхна Риштон тупроғи, ул зоти шариф камолга етган қадимий Марғилон ҳам ана шундай табарруқ масканлар қаторига кириди. Марғилон деганда, бетакрор табиати, богроғлари, камаладек сержилган атласлари, ўзгиримиз рамзига айланган кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу замин азал-азалдан одоб-андишлари ва бағрикенг, меҳнатқаш ва тадбиркор, меҳмондўст халқи, моҳир хунармандлари, уста боғбонлари, хушовоз ҳофизлари билан шуҳрат қозониб келади. Фарғона водийсининг марвариди бўлмиш Марғилоннинг

бундай юксак обрў-этибор топишида, авваламбор, мана шундай фазилатларга эга бўлган халқнинг меҳнати ва шу муқаддас заминда униб ўсиб, вояга етган, ўз юрти довуғини бутун дунёга таратган мўътабар зотларнинг ҳиссаси беқиёс. Бу борада умр бўйи Марғилон номини улуглаб яшаган Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг хизматлари чексиздир. Мен бугун сиз, марғилонлик мухтарам юртдошларимга қарата шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: шундай улуг бобомизнинг азиз номини кўксингизга туюмор қилиб олсангиз арзийди, албатта. Ишонманки, бу табарруқ тумор, Яратганимизнинг марҳамати билан, нафақат Марғилон аҳлини, балки ҳар бир ватандошимизни, бутун элу юртимизни ёмон кўзлардан, турли балоқазолардан асрайди. Биз бугун ҳазрати Марғинонийнинг хизматларини бутун дунё тан олишни, жаҳондаги кўплаб нуфузли илм даргоҳларидан алломанинг мероси ҳар томонлама ўрганилишини, ҳозир ҳам

унинг асарлари асосида қанчадан-қанча талаба ёшларга сабоқ берилганлигини гурур ва ифтихор билан тилга оламиз. Буларнинг барчасини биз улуг бобомизнинг муборак сиймоси бугунги кунда ҳам мамлакатимиз, халқимиз обрўсига обрў қўшаётганидан далолат деб биламиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, аллома Марғинонийнинг илмий меросини ўрганаётган, у бошлаган ишнинг давомчилари бўлган олим ва мутахассисларга, ул зотнинг хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, зиёрат этиш мақсадида узоқ-яқиндан келган барча азиз меҳмонларимизга халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ва ўз эҳтиромимизни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Азиз дўстларим! Илм ва истеъдодини, бутун борлигини миллат учун, халқ учун, башариёт бахт-саодати учун бахшида етган ҳазрат Марғиноний каби буюк инсонларнинг тарих олдидан, келажак олдиданги хизматлари асло унутилмайди. Марғиноний ёққан илму маърифат машаласи ҳеч қачон сўнмай

ди, авлодларнинг онгу тафаккурини доимо мунаввар этиб туради. Бу ҳақиқат бугунги кутлуғ маъракалар мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Улуг бобомизнинг муборак таваллуд тўйи шарофати билан қадимий билан бетакрор Марғилон шаҳри ўзгача чирой ва тароват касб этгани, қўли гул қурувчиларимиз, моҳир усталаримиз, меъмор муҳандисларимиз, бунёдкор халқимиз меҳнати билан мана шу муаззам ёдгорлик мажмуи қад кўтаргани ҳаммамизнинг ҳазрат Марғинонийга бўлган чексиз эҳтиромимиз ифодасидир. Бу мухташам ёдгорлик мажмуини бунёд этишда қатнашган барча юртдошларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, умрингиздан барака топинг, қўлларингиз асло дард кўрмасин, дейман. Келинлар, азиз дўстларим, биродарларим, буюк бобомиз таваллуд топган мана шу муқаддас Фарғона заминидан туриб, у мўътабар зотнинг руҳи полари шод бўлсин, муборак қабрлари илоҳий нурга тўлсин, дея тилақ қилайлик. Бугунги ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларда Бурҳониддин Марғиноний бобомиз хотирасини яна бир қарра ёд этиб, мана шундай азиз-авлиёларимизга бешик бўлган юртимизга Оллоҳдан тинчлик-омонлик, халқимизга бахту саодат, фаровонлик ато этишини сўрайлик. Илоҳим, барча хайрли ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин! Шу кутлуғ кунда қилган жамики эзгу тилақларимиз ижобат бўлсин!



Бугунги кун бунёдкорлигида мрамарга бўлган эҳтиёж катта. Қорақалпоқ қурилиш материаллари бирлашмасининг мрамарлари айнан шу эҳтиёжни қондиришда алоҳида ўрин тутди.

Суратларда: 1.Ишчи Одилбек Қалжонов. 2.Мрамарга ишлов бериш майдонида.

О.МУРОТОВ (ЎЗА) олган сурат.

## JETRO ЎЗБЕКИСТОНДА

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасининг расмий очилиш маросими ўтказилди.**

— Бу Марказий Осиёда очилган илк ваколатхонамиз, — деди мазкур ташкилот раиси Нобору Хатакэяма. — Унинг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилган ҳамкорлик натижаси бўлди. JETROнинг мамлакатингизда фаолият юритиши Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришга, Япония сарможаларини республика иқтисодиётига жалб этишга ҳамда техникавий ёрдам кўрсатишга катта имкониятлар яратди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши 1996 йилда 92 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 108 миллион долларга, 1999 йилда эса 117 миллион долларга етди. Ўзбекистон Японияга рангли металллар, пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Биз эса мамлакатингизга компрессорлар, машиналар, қурилиш ва тўқимачилик саноати учун асбоб-ускуналар етказиб берамиз. Бу Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг йилдан-йилга ошиб бораётганидан далolat беради, қайд қилди Н.Хатакэяма.

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма хонимнинг таъкидлашича, Ўзбекистонга бевосита жалб этилаётган япон сарможаларининг ҳажми етарли даражада эмас. Иқтисодий ҳамкорлик борасидаги лойиҳалар ҳукумат кредитлари доирасида грантлар тарзида ёки ҳукумат кафолати остида қарз маблағларини ажратиш йўли билан амалга оширилаётди. Ўзбекистон бой табиий захираларга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги имкониятлари ниҳоятда кенг. JETRO ваколатхонаси эса бу борадаги ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Ш йилнинг 11-15 декабр кунлари Токиода ўтказилган анжуман ва Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазмаси ҳам республиканинг савдо ва инвестиция имкониятларини ҳар тарафлама ўрганишга қаратилган бўлиб, ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришда яна бир жиддий қадам бўлади.

**Даврон ЖУМАНБЕКОВ, Гулистон наслчилик-паррандачилик ҳиссасдорлик жамияти касоба уюшма қўмитаси раиси.**



## Тунги смена

Техника хавфсизлиги

**Корхонамиз маҳсулотига аҳоли талаб-эҳтиёжи катта бўлганлиги боис иш уч сменада ташкил этилган. Маъмурият билан ҳамкорликда қабул қилинган жамоа шартномаси ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга кўрсатиладиган маданий-маиший хизмат даражасини янада ошириш, иш шaroитини яхшилаш, соғломлаштиришни кучайтириш каби масалаларни қамраб олгани эътиборга моликдир.**

Вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган касабакўм, цех ва ишлаб чиқариш бўлимлари йиғилишларида техника хавфсизлиги оид тадбирларда йўл қўйилаётган камчиликлар очикчасига кўрсатиб ўтилади, уларни бартараф этиш йўллари изланади. Ишчилар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади. Бундай тадбирлар самараси ўларок, мана, бир неча йилдирки, ишлаб чиқаришда тан жароҳати олиш, техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши ҳоллари содир этилмади. Бу йўналишда маъмурият ҳам касоба уюшмасини ҳар томонлама

нинг учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Чунончи, улар ҳар ойда моддий рағбатлантириб турилибди. Шу йилнинг ўзида жамоамиз аъзоларидан 28 нафари санаторий-профилакторийларда хордиқ чиқариб, даволанди. Республикамизнинг қадимий шахарларига уюштирилган саёҳатлар билан боғлиқ сарф-харажатлар корхона ҳисобидан қопланди. Хуллас, меҳнат муҳофазаси яхши йўлга қўйилганлиги корхона иқтисодиёти юксалишида муҳим рол ўйнамоқда. Бу масалага жиддий эътибор бераётганимиз сабаби ҳам ана шунда.

## ОБУНАГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Долзарб мавзу

Тошкент вилояти хўжаликлари, корхона ва ташкилотларида бўлганимизда одамлар газета ва журналларнинг аҳамияти, қизиқарли ҳамда долзарб мавзудаги матбуот чиқишлари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашишди. Айни пайтда журналистлар эътиборидан четда қолаётган масала-муаммоларни ёдимизга солишди. Хатто айрим танқидий, таҳлилий мақолалар юзасидан баҳс-мунозара юритишди. Халқимиз чиндан ҳам матбуотга ўч. Бу табиий албатта. Мустақил Ўзбекистонимизда, жаҳонда бўлаётган муҳим воқеалар, ўзгаришлар кимни ҳам қизиқтирмайди дейсиз. Газета ва журналларимиз ҳақидаги ранг-баранг фикрлардан руҳланиб, 2001 йил учун обунга ҳам қўнғилдагидек кетаётган бўлса керак, деган фикрга бордик. Бироқ қутилмаганда таъмоман бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик. — Очик айтман, бу йил бизда обуна жуда суст бормоқда, — деди Оханжон туман почта-алоқа бўлимининг бошлиғи Алла Ким. — Чамаси муҳим ишга даъват этилган кишилар «ҳали вақт бор, улгурамиз» деб ўйлашаётган бўлса керак. Бу билан фақат ўзларини-ўзлари алдашади, холос. Рақамларга кўз югуртирар эканмиз, газета-журналларга ёзилишини ташкил этишга қанча орасидан қаралаётганига ишонч ҳосил қилдик. Вилоят почта алоқасида қайд этилишича, 10 ноябрга қадар мазкур туман бўйича «Халқ сўзи»га 7 дона, «Ўзбекистон овози»га 4, «Правда востока»га 1 та обуна уюштирилган, холос. Бошқа туманлардаги аҳоил билан танишиш мақсадида Янгийўлда бўлдик. Афсуски, кўрсаткичлар мутлақо қониқарсиз. Юқорида таъкидланган мuddатга «Халқ сўзи»га 2 та, «Ўзбекистон овози»га 1 дона обуна қилинган. Етаки газеталаримизга муносабат шундай бўлгандан кейин, бошқаларини қўверинг. Эски касал ҳамон давом этмоқда. Яъни баъзилар дала ишларига яқун ясалса, сўнг бафуржа газета ва журналларга ёзилиш хусусида бош қотирамиз, деган фикрга боришаётган бўлса, кимлардир турли баҳоналарни рўқач қилишмоқда. Оқибат натижада вақт бой бериляпти. Обуна масаласида лоқайдлик, масъулиятсизлик жуда қимматга тушади.

Т.ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

**Бахриддин Холмуродов суяги дехқончиликда қотган, омилкор инсон. Ҳамқишлоқлари уни камсуқум ҳолатда, қор сифатида қадрлайдилар. У ер эгаси бўлиш орасида фермерлар сафига қўшилди. Утган йили Сайхунобод туман «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси ҳудудидан 31 гектар ер олиб, «Паймард» хусусий хўжалигига асос солди. 80,6 тонна пахта ҳомаатлини етказиб бериш юзасидан икки томонлама манфаатли шартнома тузилди.**

Холмуродовлар оиласи хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Ахир, ер — бебаҳо бойлик. Сидқидилдан тер тўкишса, кам бўлишмайди. Бахриддин ака жигаргўшаларини ёнига олиб, туну кун меҳнат қилди. Вақти келса қариндош-уруғларини ҳасарга чорлади. Савй-ҳаракат зоҳ кетмади. Кузакда пахтадан мўл ҳосил этиштирилиб, у баравақ саранжомлаб олинди. Фермер дўппини ерга қўйиб, сарҳисоб қилди. Шартнома асосида 82 тонна биринчи нав пахта сотилди. Даромад ҳам юқори бўлади. Демак, бемалол уй қуриш, тўй қилиш мумкин. Қолаверса, кичик цех очиш учун имконият яратилди. Бироқ, қутилмаганда хўжалик бош ҳисобчисидан «Паймард» фермер хўжалиги йилни 11.814 сўм қарз билан яқунлаганигини эшитиб, ўзини йўқотаёзди. Йил ўн икки ой меҳнат қилиб, ҳузур топмаган Б.Холмуродов дастлаб саросимага тушди. Неча бор хўжалик мутасаддиларига унрашмасин, жавоб битта эди: эмишки, унга ажратиб берилган ер майдонининг ҳажмига мувофиқ хўжалик «қарзлари»ни тўлашиб юбориш фермер бўйнига илинибди. «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси раҳбари Ж.Умрзоқов, бош ҳисобчи Э.Ҳамзаевлар ўзларини олиб қочиб, Бахриддин ака мавридини топиб юзма-юз бўлганида, асоссиз сабабларни рўқач қилишарди. Одамлар билан суҳбатлашиш жараёнида шунга иқрор бўлдикки, Бахриддин ака чиндан очик кўнгли, бировга тик қарай олмайдиган, ориятли, айни пайтда тантини инсон. Мутасаддилар у бошлиқ фермер хўжалиги даромадини хўжаликни қилиб юборсак,

йўқлиги оқибатида уюшма сусуда бўйича 134 миллион, солиқдан қарийб 13 миллион, пенсия жамағатасидан 5 миллион 714 минг сўм қарздор эди. Нима қиларини билмаган кимсалар ушбу қарзнинг муайян қисмини «Паймард» фермер хўжалиги даромадидан қоплаб юборишган. Уларнинг қилмиши кундек равшан бўлса-да, сира бўш келишмасди. Боз устига суд қарорига ҳам қўшилиб бўлмасди. Боиси, у фермер даъвосини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Шундан сўнг Ж.Умрзоқов ва Э.Ҳамзаевлар ўзларига ортиқча баҳо бера бошлашди. Нурунийлар улар адолатсизлик йўлини тутиб, бир тадбиркорга, унинг

ришиди. Аппеляция шикоятда баён этилган харажатларни исботловчи далиллар талаб қилиш ўрнига уйдирма, оғзаки кўрсатмаларга асосланилди. Боз устига, пахта етиштиришга кетган харажат ошириб кўрсатилди. Хулоса ҳам ҳайратомуз бўлди. Яъни, суд ҳайъати 732-иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартириб, «Шўрўзак» ширкатлар уюшмасидан «Паймард» фермер хўжалигига 600796 сўм асосий қарзни ундириш, қолган 598481 сўм қарз миқдоридидаги даъво талабини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди. — Фидойи фермер энди бирим икки бўлади, деб қувониб юрганида ношуд кимсаларнинг қаршилигига учради, — деди нурунийлардан бири бизга юзланиб. — Бироқ, барчамиз адолат эгилади-ю, лекин синмайди, деган нақлга чуқур ишонардик. Чунки, биз ўз еримизда, мустақил Ўзбекистонимизда яшаймиз!

Саксон ёшли Нурум ота айни топиб гапирганди. Яхшилар фермерни қўллаб, биргаликда ҳаракат қилишди. Даввогар Республика Олий хўжалик судига касасация шикоят йўллади. Шу йилнинг сентябрида Олий хўжалик суди адолатли тўхтамга келди. «Шўрўзак»дан «Паймард» фойда-сига 1045011 сўм асосий қарз, 4441 сўм республика бюджет даромадларига ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Фермер Бахриддин Холмуродовнинг мушқули осон бўлди. Бола-чақаси билан маржон-маржон тер тўкиб топган даромади ўзига буурди. Бироқ, шу ўринда ҳақли савол: мустақилликка эришганимизга тўққиз йилдан ошди. Ҳаётимизни фаровон, дастурхонимизни тўқин-сочин этишда фермерлик ҳаракати катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаёт исботлади. Буни кўра-била туриб, нима сабабдан баъзи раҳбарлар тадбиркор йўлига ҳамон тўғаноқ бўлишмоқда?

Суд мажлисида бош ҳисобчи Э.Ҳамзаев даъвои тан олмади. Бу шунчаки устамонлик эди, холос. Гап ундаки, «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси раҳбари мутахассисларнинг уқувсизлиги, изланиши ва омилкорликнинг оиласига моддий ва маънавий зарар етказишганини таъкидлашганида ҳам инсофга келишмади. Қизиги шундаки, улар ўзларини ҳар жиҳатдан устун ва ҳақ билиб, Сирдарё вилоят хўжалик судига 732-иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорини устидан аппеляция шикоят бердилар. Жорий йилнинг 5 июлида раис Х.Темиров, судьялар И.Алимов, А.Сувокуловлардан иборат таркибда жанжалли масала қайта кўрилди. Одамлар судга, муқаддас даргоҳда ҳаммаша адолат тантана қилишига ишонишарди. Бироқ, бу гал судлов ҳайъати ноҳолислик йўлини тутди. Аникроғи, суд томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилди. Фермер тушига ҳам кирмаган айблар бўйнига илинди. Ҳатто, хусусий хўжалик ташкил қилинганга қадар унга ажратилган ер майдонига баъзи раҳбарлар кетган сарф-харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблашгача бо-

## «Ишонч» фош этади МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ҲУЗУР ТОПМАГАН ФЕРМЕР

М.КАИМОВ, Н.ШАМИЕВ.

«Туркистон-пресс».

# ЭЛ НЕТИБ ТОПРАЙ МЕНИКИМ...

## «ПОКДОМАН ЗУАФОДИН...»

Покдоман зуафодин неки зоянда бўлур, Рухларвардур, жонбахш зихи хилқати пок. Кўрки, Марямга ўғил Исо рухуллох эрур, Эрса бу холга нопок улус тан не бок.

Ўзбек халқи тарихининг ҳамма даврларида маърифатли ота-боболаримизнинг аёлга муносабати жуда юксак бўлган. Бу фикрнинг ёрқин исботи мумтоз шеърятимиздир. Аёл улуғланган шеърнинг нафаси гоёйда сөхрли ва ўз-ўзича умидбахш. Аёл таҳрирланган шеърдан кўра қабохатли иш йўқ. Бизнинг қайси бир классик ижодкоримиз аёл шайнига ёмон сўз битган? Ҳеч қайси. Аёл нафосати, аёл покчилигига сифинида Шарқ шоири билан мусобақалашиб осон бўлмаган. Мана, ҳазрат Навоийнинг биргина шу китъасини олайлик. Унда покдомон аёл таърифини ўқиймиз. Бобомиз аёл покчилигини авлод истиқболнинг асосий шарти сифатида талқин этганлар. Тоза хулқи аёлдан фарзанд турилса, у — руҳларвар, жонбахш ва хулқи, табиати озода бўлади, дейдилар ҳазрат Навоий. Ва Марям ҳамда унинг ўғли Исо пайгамбар қисматини эслатадилар. Афсоналар Биби Марямнинг одоб ва ахлоқда тенгсиз бўлганлигини нақл этади. У эркак зотиға яқинлашмасдан ҳомилдор бўлган эмиш. Шунинг учун ундан тузилган ўғилнинг нафаси ўлиқни ҳам тириштирувчи бўлган экан. Рухуллох — Исо пайгамбарнинг лақаби, унинг илоҳий Рухга мансублигига ҳам ишоратдир. Китъа сўнггида ҳазрат Навоий бу холга нопок вужуд ила этишиб бўлмаслигини қайд қилганлар. «Ўзи поку, кўзи поку сўзи пок» аёл қиёфасида бобомиз ёлғиз оиланинг эмас, инсониятнинг равақини ҳам назарда тутган бўлсалар керак.

## «НИХОНИ ИГНА САНЧАР ЁРЛАДИН...»

Нихони игна санчар ёрлардин, Адуваш новак афганлар кўп ортуқ. Мунофиқ шева золим дўстлардин, Мухолиф табъ душманлар кўп ортуқ.

«Дўст билан обод уйинг гар бўлса у вайрона ҳам...» — деганда Эркин Воҳидов ҳақ. Дўст — кўнгли уйининг ободлиги. Дўст сиймосида жаҳоннинг энг улуғ кувончларидан бири акс этади. Лекин бу гаплар чин дўстликка тегишли. Ҳақиқий дўстликни доғишманлардан икки вужуддаги битта қалб, дейишган. Уртада этиқод ва маслак бирлиги бўлмаса, дўстлик йўқ. Одамни одамга яқинлаштирадиган тўйгу ва хислатлар кўп. Нодонни нодонга нима яқин қилади? Гумроҳлик. Жаҳолат. «Жаҳолат деб ўқумаган, ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонлиқни айтадилур, — дейди Абдулла Авлоний. — Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиқидур». Ёмон хулқлар ҳамма пайт ёвузлик ва пасткашлик раванқига хизмат қилади. Мана шунинг учун оломон ўртасидаги

дўстликдан эҳтиёт зарурдир. Дўстликнинг узилмас ришталари: меҳр, имон, диёнат ва виждон уйғунлиги. Аммо унинг халқалари — Ватан туйғуси ва халқ ишқидир. Ватан эрки ва халқ истиқболи дардида ўртанган курашчан юраклар топишувигина оқибатли ва дўстликда ажралмасдир. Бундай ҳолатда рикорлик қилиб бўлмайди. Хиёнат ўз виждонингга хиёнатга айланади. Аммо ҳаёт шафқатсиз. У негадир том маънодаги ёру биродарликдан қизганади. Дўст тимсолида у кўпинча этиқодди суст, маккор кимсаларни кишига рўбарў этиб қўяди. Ҳазрат Навоий бизга танитиб кетган «нихони игна санчар ёрлар» ҳам айна шу тоифа кимсалардандир.

### НАВОИЙХОНЛИК

Алишер Навоийнинг тасвири, ҳис қилиши ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини тасвир ва ҳис қилишдир.

560

Улар гўё зоҳирдан садоқатли дўст. Лекин ичдан душман. Буни сир тутмоқ учун турлининг, риё йўлқаларидан мунофиқлик кўчаларига қолиб яшашади. Мир Алишер Навоий бундай «дўст»дан ошқора ўқ узувчи душманни кўп афзал бил, дейдилар. Душман ўз номи билан душман. Унинг бутун қилимиши кишини хушёрликка, қарши чоралар қўришга ундаб туради. Мақсади бузуқ мунофиқ «рафиқ» эса Сизни гафлатда қолдиради. Ундан зулм қутилмайди. Бирок у қутилмаган жой ва хаёлга келмаган томонлардан жабру жафо ўтказади. Бу ёмон, албатта. Хуллас, «нихони игна санчар» «дўст»лардан қанча тез узоқлашиса, ўшанча яхши ва фойдалидир.

## «УЙЛА МАНГА КЕЛДИ ЧУН ҚАРИЛИФ...»

Йигитлигимдаки, тақвою зухд вақти эди, Фужуру фиққ била зойеъ айладим авқот. Ўтуб йигитлик, уйла манга келди чун қарилғи, Маош одати маъхуд ила кечирсам, уёт.

Десамки, тоат этиб, саждадин кўтармай бош, Бошимга ургали лойиқ, кўрунуб ул тоот. Қазодин улча менга келди, зикри ҳожат эмас, Билур чи шиддати холимни қозилуқ ҳожат.

Ўтган умрдан афсус чекмаслик кераклигини инсон биледи. Бирок била туриб, кўнглини афсусларга чўқдира боради. Нега? Ҳар кимнинг қулурлари ҳар хил. Биров аламларининг овозини эрта эшитида, бошқа бировлар кечроқ.

Йигитлиқни умр баҳорига ўхшатилади. Чиндан ҳам у баҳордай яшнаб, баҳордай шиддат билан кечади. Кун келади-ю, йигитлик сени мангуга тарқ этганлигини, энди ҳеч қачон навқирон имкониятлар тақдорланмаслигини сезасан. Кўз қурғур кеч, анча кеч очилади. Пушаймонлик ўрмонлари ичра адашиб қолмайманми, деб ўйлайсан. Бехуда бой берилган фурсатлар гўё савол аломатларига айланади. Амалга оширилмаган ишлар надомати, гуноҳлар, ўткинчи орзулар ҳасрати жонни қийнайди. Судралиб тулларни кунларга, кунларни тулларга улайсан... Мана, кўлингга Мир Алишер Навоийнинг «девлони» Варақлайсан. Негадир ушбу китъадан нигоҳингни узоқламайсан. Илк байтчи тақдор-тақдор ўқийсан:

Йигитлигимдаки, тақвою зухд вақти эди, Фужуру фиққ била зойеъ айладим авқот.

Бу сўзлар юракда акс-садо уйғотмайди? Наҳотки, ўша қимматли вақтларингни ҳовлиқалиқда, фиқсу фужур била зое айлаганингни англамасан? Ахир: «Ўтуб йигитлик, уйла манга келди чун қарилғи», дейишинга ҳам узок муддат қолмаган. Тўғримасти? Инсон маълум бир ёшда бошдан кечирганларининг барча-барчасини сарҳисоб этиши керак. Ва «Маош одати маъхуд ила кечирсам, уёт» — кексалиқни ҳам тирикчилик ташвишларига қурбон қилишим уят деб билиши шарт.

Десамки, тоат этиб, саждадин кўтармай бош, Бошимга ургали лойиқ, кўрунуб ул тоот.

Бу байтчи ўқиб Навоий бобомиздан, каттадир, кичикдир нуқсонни хаспўшлалмаслик ва ўзи охириги чегарагача аямаслиқни ўрганиш лозим. Иккинчидан, Аҳмад Яссавий сўзлари билан айтганда, «Жон ва дилни муштоқ этиб маърифатга, Ҳақиқатнинг асрорига жўён» бўлмагунча саждага бош эғиб бекўйди. Рух тарбияси ва дил маърифатисиз сичғиниш — қанотсиз маълумнинг учишини қўлашадий гап. Байтда ана шу моҳият ҳам яширинган.

Шеър сўнггида: «Қазодин улча менга келди, зикри ҳожат эмас», дейдилар бобомиз. Нега бу қайғули муҳаббатнинг «зикри ҳожат эмас»? Чунки «қозилуқ ҳожат» — ҳожат чиқарувчи, яъни олий ҳақнинг ўзи унинг «шиддати холим»дан хабардор, одамлардан пинҳон ҳар қанақа ҳолат, ҳақ назарида ошқордур.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори.

## Қадриятларимиз ХИКОЯТ

Бир одам кураш бўлса уни емириб ташлагудек эди. Устоз шогирди кучда ортиқ эканини англади. У пинҳон тугтиб юрган мазкур нодир хийласини ишга солиб курашмоққа бошлади. Шогирд устознинг ҳамласини дафъ этишдан ожиз келди. Устоз ҳарфини икки қўли билан боши узра кўтариб, ерга урди. Халойиқнинг ҳой-ҳув садолари кўкка ўрлади.

Подшоҳ устозга сарпо бермоқни буюрди, шогирдин эса, таънамаломатлар қилиб, деди: «Ўз устозингга бевафолик қилиб, уни мағлуб этаман, деб мақтандинг, лекин айтган сўзингнинг уддасидан чиқа олмадинг!». Шогирд деди: «Эй подшоҳи олам, устозим куч билан мендан устун келгани йўқ, балки кўп вақтдан бери менга ўргатмай, яшириб юрган бир хийласи туфайли мени мағлуб эта олди».

Бу сўз подшоҳга ёқмади. Устозу шогирдининг кураш тушмоқларини буюрди. Катта майдонни ҳозирладилар. Подшоҳ бошлиқ арқони давлат, аъёни мамлакат ҳамда ўша юртнинг барча паҳлавонлари ҳозир бўлдилар. Шогирд бамисоли маст филдек жўшиб майдонга кирди, гўё қаршидага темир тоғ

Саъдийнинг «Гулистон» китобидан

## «ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШАМИЗ!»

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши маркази, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ҳамда Олий Мажлис мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, «Камолот» жамғармаси, Фидокорлар миллий-демократик партияси билан ҳамкорликда ана шундай шиор остида тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ўтказишга қарор қилди.

Кўргазмада халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши тасвирий восита - плакат ва фотосуратлар орқали курашиш, шунингдек, бу борадаги теран асарлар орқали миллий истиқлол гоёсини халқимиз онига янада кенгроқ сингдириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Тақдим этилаётган ижодий ишлар она Ватанни кўз қорачигидек асраш, халқаро терроризм ва диний экстремизмни бартараф этиш, давлат ва жамаиёт курилишини эркинлаштириш мавзуларида бўлиши мўлжалланмоқда.

Мазкур кўргазма шу йилнинг 20 декабрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Унга мамлакатимизда ижод қилаётган барча фотосуратчи ва мусаввирлар ўз асарларини тақдим этиши мумкин. Фолиб деб топилган асарлар муаллифларини махсус мукофотлар кутмоқда.

(ЎЗА)

## ОЛАМДА

**РАБОТ.** Марокашнинг «РАМ» авиакомпанияси ҳаво флотини янгилаш бўйича эълон қилинган тендерда АКШнинг «Боинг» корпорацияси ғалаба қилди. У авиакомпаниядан 1,1 миллиард долларлик буюртма олиб, яқин 10 йил ичида Марокашга 20 дон «Боинг-737», икки дон «Боинг-767» самолётларини етказиб бериши керак.

**ЛОНДОН.** Буюк Британия мудофаа вазирлиги Европа Иттифоқининг (ЕИ) ягона қуролли кучларини яратиш гоёсига қарши чиқди. Мамлакат мудофаа маҳкамаси раҳбари Жефф Хуннинг айтишича, Бирлашган қироллик ЕИ доирасида ҳарбий ҳамкорлиқни кучайтиришдагина иштирок этиши мумкин. Баъзи жиҳатларни ҳисобга олганда, китъа давлатлари армиялари бирлашиш учун зарур хусусиятларга эга эмас, деди у.

**КОҲИРА.** Мисрда бўлиб ўтган парламент сайлови вақтида сайловчилар билан полиция ўртасидаги тўқнашувлар юз берди. Коҳира яқинидаги ал-Амар қишлоғидаги шундай мижозлардан бирида икки киши ўлдирилди, беш киши ярадор бўлди. Хабарларга қараганда, тўқнашувларни фаолияти тақиқланган «Мусулмон биродарлар» ташкилати қўллаб-қувватлаётган мустақил номзодлар тарафдорлари келтириб чиқарган.

**КАМПАЛА.** Эбола безгагида шу кунгача 110 нафар фужароси вафот этган Уганда Кения ҳукуматини мазкур касаллик унинг худудида ҳам тарқалиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Кениялик етти киши Угандада мазкур касалликдан ўлган қариндошининг дафн маросимиде иштирок этган эди. Гап шундаки, хаста киши соғлом одамга тегиб кетганда ҳам Эболани юқтираверади. Дафн маросимлари эса касаллик тарқалишининг асосий манбаъларида бири бўлиб қолди.

**БРЮССЕЛ.** Европа Иттифоқининг (ЕИ) Ницца шахрида 7-8 декабр кунлари бўлиб ўтадиган саммитига қадар НАТО билан ЕИ ўртасида мудофаа соҳасида жавабгарлик ва захираларни тақсимлаш ҳақида битим имзоланади. НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон шуни маълум қилди.

**КИГАЛИ.** Руанда президенти Пол Кагаме Италия ҳукуматини бир вақтлар италияликлар оилалари қабул қилиб олган руандалик болаларни ўз ватанига қайтаришни сўради.

1994 йилда Руандада ҳокимият тепасига келган хуту элати вакиллари тусиларни қатагон қилгач, минглаб болалар ота-онасиз қолганди. Уларнинг бир қисми Италия оилалари томонидан фарзандликка қабул қилинган эди.

**БОГОТА.** Колумбия инқилобий қуролли кучлари исёнчи гуруҳи ҳукумат билан тинчлик музокаралари ўтказишни бир томонлама бекор қилди. Исёнчилар ҳукуматни яна бир кўзгочончи гуруҳ — «Парамилитарес» ўнг экстремистларига қарши курашни кучайтиришга чақирди. Инқилобий қуролли кучларнинг бундай қарор қабул қилиши ҳукумат делегациясининг у билан ўт очишни тўхтатиш тўғрисида музокара ўтказиш учун махсус ажратилган қароргоҳга таширф буюрган пайтга тўғри келди. Колумбия католик черковчи, сийсий партиялари ва ишбилармон доиралари исёнчиларнинг иккиозламачилигини қаттиқ қоралаётти.

**ФРИТАУН.** Британиялик 500 ҳарбий Сьерра-Леонега келди. Улар мазкур пойтахт Фритаунни исёнчилардан ҳимоя қилади. Гарчи, ўтган шанба кун ҳукумат билан Бирлашган инқилобий фронт жангарилари ўртасида ўт очишни тўхтатиш боради келишувга эришилган бўлса-да, мамлакатдаги вазиятни барқарор, деб бўлмайди. Британиялик ҳарбийларига Сьерра-Леоне армияси аскарларига таълим бериш вазифаси ҳам юклатилган.

**УММОН.** Иордания Бош вазири Али Абу Рогиб подшоҳликнинг Исроил билан дипломатия муносабатлари фаластинликлар манфаатларига хизмат қилишини айтди. У Исроил конференцияси ташкилотининг Қатарда ўтказилган саммитида мусулмон давлатларида Исроил билан барча дипломатия муносабатларини узиш тўғрисида берилган тасвия юзасидан шуни маълум қилди. Биз Исроил билан тинчлик шартномаси имзоланган ва мавжуд дипломатия алоқаларидан минтақада барқарорликни тиклаш жараёнини силжитиш мақсадида фойдаланишимиз мумкин, деди Абу Рогиб.

**НЬО-ЙОРК.** БМТ Хавфсизлик кенгаши Сьерра-Леонедаги урушаётган томонлар ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида келишувга эришилгандан мамнуният билдирди. Кенгаши раиси Питер ван Валсумнинг айтишича, мазкур ҳужжатнинг имзоланиши БМТ ва Фарбий Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамжамияти воситачилигининг самарасидир. Хавфсизлик кенгаши томонларни битим шартларига қатъий амал қилишга даъват этади, деди Питер ван Валсум.

(ЎЗА)

## NIMA GAP

## Ҳуқуқий маслаҳатхона

### ИШ ҲАҚИДАН ҚАНДАЙ ТўЛОВЛАР УШЛАБ ҚОЛИНАДИ? Саволга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқи нозирини Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

**САВОЛ:** меҳнатқашларнинг иш ҳақидан уларнинг розилигисиз қандай тўловлар ушлаб қолинади ва қандай тўловларнинг ушлаб қолинишига йўл қўйилмайди? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Э.САИДХОНОВ, Фориш тумани.**

**ЖАВОБ:** Умумий қоидага кўра, ходим ёзма розилиги бўлмаганда унинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинишига йўл қўйилмайди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 164-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолларда ходимнинг розилигисиз ҳам унинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин. Бунга қуйидагилар кирди:

а) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 48,49-моддаларида кўрсатилган даромадга солинадиган солиқлар;

б) Суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатлари дейилганда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексига кўрсатилган ва жарима солиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг қарорлари (санитар врач, солиқ, меҳнат ва техник ҳуқуқ инспекциялари ва бошқалар) ҳамда иш берувчининг Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосланиб ходимга жарима солиш тўғрисида чиқарган буйруғи тушунилади;

в) Иш ҳақи ҳисобига, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларида берилган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансини ушлаб қолиш ҳамда ҳисоб-китобдаги хато-лар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш;

г) Аванс билан, яъни ходим тўлиқ йил ишламасдан тавтиб олган, йил тугамасдан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, ундан тавтибнинг ишланмаган даврига тегишли кунлари учун тўланган миқдори қайтариб олинади.

Агар меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 89-моддаси тўғрисида қисмида, яъни иш берувчи томонидан меҳнат шартлари ўзгартирилганда ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад қилганда меҳнат шартлари, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 1 ва 2 бандлари (ходимлар сони (штати) қисқариши ҳамда корхонанинг тугатилиши муносабати билан), 106-моддасининг 1 ва 2 бандларида кўрсатилган асосларга кўра, яъни ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилганда ёки шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга қайта тикланиши муносабати билан шунингдек, ходим ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда фойдаланган тавтибнинг ишланмаган даврига тегишли кунлари учун ушлаб қолимайди.

Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлса. Агар кел-

тирилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса, ходим меҳнат ҳақидан ушлаб қолинишига розилик бермаса, унда фақат бу иш суд орқали амалга оширилади. Иш берувчи ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида буйруқ чиқараётганда албатта ходимнинг кейинги ҳаёти ва оиласини таъминлаш тўғрисида ҳам ўйлаши керак. Шу сабабли қонунда иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори (масалан: алимент, жарима, корхонага етказилган зарар ва бошқалар) ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллиқ фоизидан ортиб кетмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Қонунда назарда тутилмаган бошқа ҳолларда ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши қатъий тақиқланади. Ноконуний ҳолда меҳнат ҳақидан ушлаб қолинганда ходим ариза билан меҳнат низолати кўрувчи органга мурожаат қилишга ҳақлидир.



Фаргона вилоятининг шаҳар ва туманларида осойишталикни таъминлаш, жиноятнинг олдини олишда маҳалла посбонларининг ўрни алоҳида бўлаётти. Жумладан, Олтиқўриқ туманидаги ҳар бир маҳаллада кундузги ва тунги навбатчилик йўлга қўйилган. Хонадонларга келиб кетувчилар, йўловчи машиналар қатъий назорат олинган. Энг катта гушалардан бири Полосон қишлоғи участка нозирини, милиция катта лейтенанти Шухрат Пўлатов (суратда) тарбият ишларини олиб боришда ҳамкасбларга намуна.

М.ЮСУПОВ олган сурат.

## ПРОТЕЗ ИЧИДА ...ГЕРОИН

Сариосиё станциясига келиб тўхтаган «Душанбе-Москва» йўналишидаги поезд йўловчилари, вагонлар боқовчилари томонидан сичқовлик билан кўздан кечирилди. Узини Аҳор деб таништирган Тошкент республикаси фуқаросининг устбоши текширилганда унинг бир вақтлар автоавариани туфайли кесиб ташланган чап қўли ўрнидаги протези ичидан 285 грамм героин моддаси топилди. Бундай воқеалар 3-Сариосиё божона масканда тез-тез бўлиб турибди. Шу йилнинг ўтган ойларида ушбу божона масканда 105 килограмм гийҳанд модда, ноконуний равишда четга олиб чиқиб кетилаётган 2 миллион 615 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қоллинди. Қонунбузарларга нисбатан 1 миллион 672 сўм жарима солинди.

(ЎЗА)

Фозил кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

# САВОЛ ШАРИЙ БЎЛСА, ЖАВОБ КЎНГИМИДИР

Дунёда ҳамма нарсага даво бор экан, лекин жоҳилликнинг давоси йўқ экан. Негаки, жоҳил ўзинча фикр қилиб бир нотўғри тўхтамга келса, «буни гапиришдан, бировни сўзига киришдан олдин бир китоб кўрай, бирорта кишидан маслаҳат олай», - деб ўйламас экан.

Чунки, баъзан маъруза қилаётганингизда, сўзингизни бўлиб, бир неча бор муқаддас китобларга асосланмаган саволларни бериб турадиган кимса чиқиб қолади. Қайсики «мусулмонлар, намозхонлар ҳаром дейилган сигаретани чекиб юршади, носвой чекишди, шунга сиз қандай муносабатда бўласиз, нима дейсиз?» каби. Бу савол қанчалар майда гапли ва саводсиз одам томонидан бунёд этилганини пайкаб олиш қийин эмас. Негаки, Куръони Каримдан бошқа ҳеч ким «бу ҳаром, бу ҳалол», деб фатво беришга ҳаққи йўқ? Бундай саволни чиқарганлар ўйлаб кўрсангиз, гуноҳнинг қаттасини зиммаларига оляптиларми? Куръонда ҳаром дейилмагани, биз уни чекма ё йўқми деб фатво беролмаймиз. Куръони Каримда «ҳаром, макруҳ» деб оят келтирилгани, уни ҳалол деб ким ўзгартира олади. Ахир бу Оллоҳга ширк бўлиб қолади-ку. Носвой билан сигарет ҳам шундай. Мен ҳеч қайси манбада уни ҳаром қилинганини учратмадим. Демак, фатво бера олмайман. Киши ақлига ишора қилсин, соғлиғини ўйласин ва ўзи хулоса чиқарсин. Катта-катта масалалар, ишлар турганда мана шундай бачкана саволлар бериб, одамларни чалғитишнинг нима кераги бор? Ёки яна битта шундай савол тақдорлиниб туради: «Тасбеҳда санайликми ё бармоқлардами», Тасбеҳ ўғриш масаласини жума намозига олиб чиқиш — энди тўғримас-да. Ақл билан, фаросат билан ҳал бўладиган нарса, бу. Эҳзингиз ўткир бўлса, адашмасангиз бармоқларини ишлатинг. Йўқса, унутувчан бўлсангиз, адашмасангиз тасбеҳдан фойдаланинг. Ахир тасбеҳ ҳам бармоқлар билан ишга солинади... Одоб, ахлоққа оид, китобий яши саволлар ҳам бўлади. Масалан, «таомлангандан сўнг лаган ё косани нон билан артади, сўнг нон билан лабини артади, шу тўғрими ё нотўғрими?» Биродарлар, таом сузилган идишни ялаб қўйишлик, қўлда бўлмаса нон суртиб, ялаш ва шу нон бурдасини еб қўйишлик яши амал. Савобли бўлади. Негаки, ўша идишнинг ёғлари, овқат

қолдиқлари увол бўлмайди. Лекин кўп кўрганмиз, лабини, идишни нон билан артиб, нон бўлагини отиб юборадиганлар бор. Энг азиз нарсани уволга учрашлик бу. Яна бир гап, улуг ҳакамларимизнинг айтишича, идишнинг ёғлари, қолган овқатлари билан қолдиришлик, тўжи ташлашлик ҳам ошқозон-ичак касалликлари ва бошқа касалликларнинг келишига сабаб бўлиб қоларкан. Ҳам савоб, ҳам покчилик юзасидан идишни ялаб қўйишимиз керак бўлади.

Мусулмонларимиз орасида иктилофларга сабаб бўладиган баъзи ортиқча гаплар ҳақида ҳам гапириб ўтайлик. Бу либос масаласи, соқол қўйиш масаласи. Мазҳаб талашини, намоз у масжидда бундай ўқиларкан, бу масжидда бундай... Нега «Оллоҳи Акбар»ни ичиди ай-тайи ташида айтганми...» Шунга ўхшаган кераксиз гап-сўзлар мусулмонлар ўртасида ҳам жиҳадликка раҳна солмасин.

Эй, мусулмон. Оллоҳга ибодат қилсанми, ё масжидга, бошқаларнинг ибодатидаги айбни қидиришга келганмисан? У имомни бу имомга ёмон кўрсатиб, ёшларни нотўғри йўлларга бошлашни бас қилиш керак. Шундан бошқа иш йўқми? Намознинг фарзлари бузилаётгани йўқми? Қанчадан-қанча зарур ва савоб ишлар турибди, олдимида. Қилган ишингиз фитна, адолат, келишмовчилик, гуруҳбозликларга сабаб бўлиб қолмасин, гуноҳкор бўлиб қолмасин...

Яратганга ҳамду санолар бўлсин, истиқлол шарофати билан ёшларимиз ҳам дунёвий, ҳам диний илмларни эгаллаб боришгапти. «Жума намозини уйда ўқиса ҳам бўладими?» - деб сўрашди. Жума намозининг фазилати жамоатда, унинг маърузаларида, даъватиди. Лекин ёшларимиз билиб қўйсин, бола то балогагача ота-онасининг, устозининг измида бўлади. Ота-она, устозлар болага эгаллик қилади. Шунинг учун устозми ё ота-онаси руҳсат бермаса пешин намозини уйда ўқиш вожиб.

Жаҳонга машҳур Имом Бухорий ва Имом ат-Термизий каби салафлари изидан бориб муҳаддислик қилган, ғўзал тафсирилар ёзган Бурхониддин ал-Марғиноний ижоди серқирра бўлса-да, аммо олимни олам аҳлига танитган асосий асари «Китоб ал-Ҳидоя»дир.

Исломи қонунчилиги масалалари ҳар томонлама тўла тадқиқ этилган бу китоб араб тилида ёзилган бўлиб, даставвал форс, форс тилидан инглиз тилига таржима қилинган. Инглиз тилидан рус тилига эса 1893 йилда Тошкент шаҳрида ўғрилган. Исломи ҳуқуқшунослиги (фиқҳ)нинг ханафий мазҳабига оид масалалар муфассал ҳал этиб берилган «Ҳидоя»нинг биринчи жилди мустикаллик берган имконият туфайли 1994 йили рус тилида нашр этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бурхониддин ал-Марғиноний ўзининг машҳур асари «Ҳидоя»га ҳам фиқҳга оид «Бидоят ал-муфтадий», «Нашр ал-мазҳаб», «Китоб ат-тажрих», «Ал-мазид» каби қатор рисоалар яратган эди. Фиқҳ

суннийликнинг ханафийлар мазҳабига кенг тарқалган шариат қўлланмаси ҳисобланади. Гарчанд бундай асар ёзиш ҳаракати илгари ҳам бўлиб, 1048 йилда аф-фанди Абдулҳасан ал-Кудурий шу номли биринчи қўлланма ёзган бўлса-да, аммо Бурхониддин ал-Марғиноний яратган «Ҳидоя» ўз даврида ханафийлар мазҳаби тарқалган мамлакатларда, хусусан, Марказий Осиё, Шимолий Кавказ ва Волгабўйи мусулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида кенг истефода этилган.

Бу асар тўрт жилддан иборат бўлиб, 57 бобга бўлинган. Ҳар бир боб мах-

сус бир масалага бағиш-лаб, муаллифнинг шариат қонун-қоидалари хусусидаги фикр ва хулосалари берилган. Ханафийлар мазҳаби вакилларининг мулоҳазалари ҳам келтирилди. Исломининг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж ва қурбонлик каби масалалар муфассал ёритилди. Кито-бда оила ва никоҳ масалаларидаги меъёрлар (никоҳ, ажралиш) батафсил ёритилди, уларни ба-жариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоида ҳамда жазо қоралари белгиланади.

Исломи нуктаи назардан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар: мулкӣ ва молиявий муносабатлар, айниқса, мерос, уни бўлиш йўллари, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалалар нисбатан кенг ёри-тилди. Шунингдек, фақатгина исломга хос бўлган бир қанча масалалар, ху-сусан, жиҳод, ўлжа олиш ва фаолиятдаги айрим тақий ҳамда ижозатлар алоҳида қайд этилган.

«Ҳидоя»даги иқтисодий масалалар изоҳи ҳам му-ҳим саналади. Асарда, ай-ниқса, закот масаласига

катта эътибор берилган бўлиб, унга махсус бир боб ажратилган. Чорва моллари, шахсий мулк, қон, хазина, ер ва бошқа мулк шаклларида олин-адиган тўловлар тўлиқ та-всиф этилади.

«Ҳидоя»нинг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, унда ҳаммага яши маълум масалалар билан бирга кам учрайдиган ҳолатлар, у ёки бу масала-нинг нозик томонлари барча иқри-чиқиргача тўлиқ изоҳлаб берилди.

«Ҳидоя»да йиғилган за-котни тақсимлаш қонун-қоидалари ҳам келтири-либ, у аҳолининг айрим тоифалари: фақир, мис-кин кишилар, закот йиғув-чилар, қарздорлар ва бо-шқалар шу закотдан фой-даланишлари мумкинлиги кўрсатилган. Шуларнинг ў-зиёқ Бурхониддин ал-Марғинонийнинг бу аса-ри ниҳоятда бой ва қим-матли манба эканлигини кўрсатиб турибди. Исломи ҳуқуқшунослигининг бу мумтоз намунаси ҳуқуқий давлат барпо этиш жа-раёида ҳам ҳали кўп асқо-тишига ишончимиз қо-мил.

Темир ҚУРБОН, филология фанлари номзоди.

## Туронзамин даргалари

Тарихнинг ўзидек кўҳна, энг қадимги цивилизациялар туташган макон — Риштонда IX асрдан зиёд тарихга эга бўлган «Соҳиби Ҳидоя» қабристонин бор. Хали XI асрдаёқ сопол қувурларда сув тортилган, яъни водопровод тизими йўлга қўйилган, қадим-қадимдан маланий ҳаёт ривож топган замин тарихининг бир бўлаги бўлган бу қадимнинг ҳам ўз тарихи бор. Бу бевосита фикр илмининг султони, хидоят йўлининг сарбони бўлган Бурхониддин ал-Марғиноний номи билан боғлиқ.

Хўш, Шарқ Уйғониш даври этиштирган ва бундан авлод ҳам баҳраманд бўлаётган муборак сарчашмалар, ўнлаб қомусий олимлар орасида Бурхониддин ал-Марғинонийнинг ўрни қандай бўлган?

Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулҳалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний Фарғона вилоятининг Риштон қишлоғида бундан 910 йил муқаддам ҳижрий 511 йилда таваллуд топган. Дастлабки маълумотини ислом таълимининг зукко билимдонини, дин аҳкомларини пухта ўлаштирган, маърифатли инсон бўлган отасидан олган бўлажак олим Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа йирик шаҳарларида ўқиб, олий ислом таълимига эга бўлади.

Ёшлигиданок қалом, тафсир, ҳадис, қироат, тажвид каби диний илмларни, айниқса, фиқҳни катта иштиёқ билан ўрганган, шеърлар битиб, таъби назмини ҳам намойиш этган

буюк аллома кўплаб асарлар яратган. Аммо, манбаларнинг гувоҳлик беришича, бизга маълум бўлганлари куйидагилардан иборат:

1. «Нашр ул-мазҳаб» (Мазҳаб тарқалиши бўйича китоб);
2. «Китоб таносук ил-хос» ёки «Маносик ул-ҳаж» (Ҳаж ибодати-га оид китоб);
3. «Китоб фил-Фароиз» (Мерос масала-

лари ҳақида китоб); 4. «Ат-тажрих вал-мазийд» (Ҳуқуқий муаммолар ечимига бағишлаб ёзилган иккита китоб); 5. «Мухторот ан-навозил»; 6. «Мазийд ун-фи фуруя ил-ханафия» (Ханафия мазҳаби бўйича фиқҳ тармоқлари-га қўшимча); 7. «Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг «Ал-Жомий ал-Кабир» номли асарининг

# СОҲИБИ ҲИДОЯ

соҳасидаги билим ва тажрибаларнинг қаймоғи сифатида юзага келган «Ҳидоя» (қўлланма деган маънони англатади), тўлиқ номи — «Ҳидоя фи фуруя ал-фиқҳ» («Фиқҳ соҳалари бўйича қўлланма») исломда



суннийликнинг ханафийлар мазҳабига кенг тарқалган шариат қўлланмаси ҳисобланади. Гарчанд бундай асар ёзиш ҳаракати илгари ҳам бўлиб, 1048 йилда аф-фанди Абдулҳасан ал-Кудурий шу номли биринчи қўлланма ёзган бўлса-да, аммо Бурхониддин ал-Марғиноний яратган «Ҳидоя» ўз даврида ханафийлар мазҳаби тарқалган мамлакатларда, хусусан, Марказий Осиё, Шимолий Кавказ ва Волгабўйи мусулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида кенг истефода этилган.

Бу асар тўрт жилддан иборат бўлиб, 57 бобга бўлинган. Ҳар бир боб мах-

сус бир масалага бағиш-лаб, муаллифнинг шариат қонун-қоидалари хусусидаги фикр ва хулосалари берилган. Ханафийлар мазҳаби вакилларининг мулоҳазалари ҳам келтирилди. Исломининг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж ва қурбонлик каби масалалар муфассал ёритилди. Кито-бда оила ва никоҳ масалаларидаги меъёрлар (никоҳ, ажралиш) батафсил ёритилди, уларни ба-жариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоида ҳамда жазо қоралари белгиланади.

Исломи нуктаи назардан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар: мулкӣ ва молиявий муносабатлар, айниқса, мерос, уни бўлиш йўллари, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалалар нисбатан кенг ёри-тилди. Шунингдек, фақатгина исломга хос бўлган бир қанча масалалар, ху-сусан, жиҳод, ўлжа олиш ва фаолиятдаги айрим тақий ҳамда ижозатлар алоҳида қайд этилган.

«Ҳидоя»даги иқтисодий масалалар изоҳи ҳам му-ҳим саналади. Асарда, ай-ниқса, закот масаласига

катта эътибор берилган бўлиб, унга махсус бир боб ажратилган. Чорва моллари, шахсий мулк, қон, хазина, ер ва бошқа мулк шаклларида олин-адиган тўловлар тўлиқ та-всиф этилади.

«Ҳидоя»нинг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, унда ҳаммага яши маълум масалалар билан бирга кам учрайдиган ҳолатлар, у ёки бу масала-нинг нозик томонлари барча иқри-чиқиргача тўлиқ изоҳлаб берилди.

«Ҳидоя»да йиғилган за-котни тақсимлаш қонун-қоидалари ҳам келтири-либ, у аҳолининг айрим тоифалари: фақир, мис-кин кишилар, закот йиғув-чилар, қарздорлар ва бо-шқалар шу закотдан фой-даланишлари мумкинлиги кўрсатилган. Шуларнинг ў-зиёқ Бурхониддин ал-Марғинонийнинг бу аса-ри ниҳоятда бой ва қим-матли манба эканлигини кўрсатиб турибди. Исломи ҳуқуқшунослигининг бу мумтоз намунаси ҳуқуқий давлат барпо этиш жа-раёида ҳам ҳали кўп асқо-тишига ишончимиз қо-мил.

Темир ҚУРБОН, филология фанлари номзоди.

## СУХУБАТИ АҲЛИ МУСЛИМ

Сафарда бир арабий айди савол, Жавобин тинглади бўлди тили лол.

Деди: келдинг қаю юрт, қай баҳрдин, Дедим: машҳур Мовароуннахрдин.

Деди: кўпму онингда аҳли муслим, Дедим: шоҳу, фуқаро, барча наслим.

Деди: халқинг қачон бўлди мусулмон, Дедимки, вақти нозил бўлди Куръон.

Деди: юртбошингиз не динда аълом, Дедим: исми каби жисми ҳам Исломи.

Деди: не ёзди диний наздимизда, Дедим: Оллоҳ юракда қалбимизда.

Деди: не қавл урар қалбингда тугён, Дедим: «Севмоқ Ватани — жузъи йймон».

Деди: мазҳабда боқди қай саодат, Дедимки, аҳли суннат вал жамоат.

Деди: борму Ҳадис билмоққа имкон, Дедим: бобом Бухорий анда султон.

Деди: кимдур ақонд илму нури, Дедим: устозимиз ал-Матуридий.

Деди: кимлар таниглиқ аҳли шоир, Дедим: Яссавийу, Навоий, Бобур.

Деди: қайси шаҳар бор дилга оро, Дедим: Хива, Самарқанду Бухоро.

Деди: қай мудаода Фозилу миллат, Дедим: бунёд ажиб озода давлат.

(«Mahalla» газетаси. №80-81)

## МАРҒИНОНИЙ АСАРЛАРИ

Бурхониддин Марғинонийнинг таваллуд тўйи муносабати билан у зотнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва бой мероси ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, рисола ҳамда тадқиқотлар чоп этилди.







мубтадий»га ёзилган тўрт жилддан иборат шарҳдир.

\*\*\*

«Ҳидоя»нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар — намоз, рўза, за- ва ҳажга; иккинчи жилди оила ва фуқаролик ҳуқуқи, суд ва ваколати, суд жараёни; тўртинчи жилди эса экинчилик ва ер муаммолари, ер солиғи, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўп мавзуларга бағишланган.

ҳуқуқи, қул сақлаш муаммолари, ҳуқуқ жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга; учинчи жилди муомалот — фуқаролик ҳуқуқи турлари, суд ваколати, суд жараёни; тўртинчи жилди эса экинчилик ва ер муаммолари, ер солиғи, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўп мавзуларга бағишланган.

## «БУХОРОНИ МАДҲ ЭТАМИЗ»

Бухоро вилоят маданият ишлари бошқармаси ва шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан бошланаётган энг сара кўшиқлар танлови ана шундай номланади.

Дунёга донги кетган шаҳарлар ҳақида кўшиқлар жуда кўп. Бу кўшиқлар ўша шаҳарлар рамазига айлиб қолган. Афсуски, 2500 йиллик тарихга эга бўлган Бухорои Шарифни мадҳ этувчи кўшиқлар йўқ ҳисоби, - дейди маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Ҳ.Ражабов. - Танлов мақсади бу муборак заминда тугилиб, унинг шуҳратини етти иккимга таратган буюк зотларни улуглаш, қадимий шаҳар аҳлининг умрбоқий урфодатлари ва маросимларини тараннум этувчи кўшиқлар яратишдир.

Танловда вилоят ва республикадаги таниқли шоирлар, композитор ва хонандалар қаторида ҳаваскор баस्तakorлар ва ёш ижрочилар ҳам қатнашини мумкин. Тақдим этиладиган кўшиқлар жанри чекланмаган. Танловда иштирок этишни истаган ижодкорлар 2000 йилнинг 1 декабрига қадар вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасига асарини танловга лойиқ топган ташкилот томонидан берилган тавсиянома, ижодий жамоа ёки яққа хонанданинг таржimai ҳоли, асарнинг икки нусхадаги матни ва нотасини топширишлари лозим.

«Бухорони мадҳ этамиз» кўшиқлар танлови 2000 йил декабр ойининг иккинчи ўн кунлигида яқунланади.

(ЎЗА)

## ТУРНИР КУЧЛИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

17-19 ноябр кунлари Наманган шаҳрининг «Пахлавон» спорт мажмуида ўзбек курашининг икки усули бўйича «Соғлом авлод йили» ҳамда улуг ўзбек шоири Бобораҳим Машраб хотирасига бағишлаб биринчи халқаро турнир ўтказилди. Наманган вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур мусобақада Ватанимиз ҳамда ўнга яқин мамлакатларнинг донгдор курашчилари 5 вазн тоифасида гиламда чиқадилар.

— Юртимизда жорий йил ўзбек кураши бўйича халқаро мусобақаларга бой бўлаётгани билан эсда қолмоқда. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз, афсонавий Сапалак полвон хотирасига бағишланган ҳамда мутафаккир алломаимиз Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан ўтказилган халқаро беллашувлар ўзбек кураши мусобақаларига ўзгача руҳ бахш этди, — деди Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси вице-президенти Талъат Усмонов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу каби нуфузли беллашувлар сони ўнга яқинлагани кувончлидир. Наманганда ўтказилган биринчи халқаро турнирнинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор ўзбек курашининг икки усули бўйича полвонлар баҳс юритадилар. Авваллари халқаро турнирлар ҳар қайси усулда алоҳида-алоҳида ўтказилган. Бу нарсага чек қўйиб, икки турдаги курашимизни баравар ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш ишларини ушбу турнирдан бошлашимиз. Бундан кейин мамлакатимизда ўтадиган халқаро беллашувларда ушбу анъана сақланади. Бу эса, республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам ўзбек кураши ҳам белбоғли курашининг жадал оммавийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бобораҳим Машраб хотира турнирида 18 ёшдан катта, қамида «Спорт усталигига номзод» унвонига эга полвонлар гиламда чиқиши гоилибик учун баҳслар муросаси кечидан даволатдир.

66, 81, 90 ҳамда 90 килограмдан юқори вазнларда голиб чиққан полвонлар олтин медал, диплом ва 100 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Барча вазнлардаги полвонлар хоҳишига кўра мутлақ вазнда куч синатиб, голиб 250 минг сўмлик пул мукофотини қўлга киритади.


## Футбол

### ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИ — ВАКИЛЛАРИМИЗДА

Сеул шаҳрида кар-соқовлар ўртасида ўтказилган китъа чемпиони вакилларимизга омад келтирди. 21 та миллий терма команда иштирок этган турнирда ҳамюртларимиз ўз гуруҳларида Непал (28:0) ва Малайзия (7:1) терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, лианглик билан дураг эришдилар. Ярим финал баҳсида эса Саудия Арабистони жамоасига тўпурари унвонига сазовор бўлди.

Ф.Ҳужаев номли Бухоро Давлат педагогика институти томонидан 1990 йилда Инатилло Жабборов номига берилган ФЕ 930448 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Рамила Хуснуловна Сажина номига берилган N06-02/10283 рақамли мулкча эгаллик тўғрисидаги давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



М. КОДИРОВ олган сурат.

Нуронийлари эъзода, ёшлари эътиборда бўлган юртининг тонглари оппоқ, келажаги порлоқдир.

# ISHONCH

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир хайъати:**  
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар ва  
реклама, эълонлар  
бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган

Машиналик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Вичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий адади 14.002 нуска. Сотушга эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босямаҳнаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 01.20